LLC "TTT-AUDIT"
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
Uzbekistan

LIMITED LIABILITY
COMPANY «TTT-AUDIT»
(JPA INTERNATIONAL. France)

5 office Yangiobod street. Fergana. Uzbekistan. 150100.
Tel . (91) 651 80 13 (0373) 241 64 48. (99) 851-80-13 Web sayt: ttt-audit.uz E.mail: tttaudit@mail.ru
The license AF № 00773 issued by Ministry of Finance from 2019.04.05.

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Сана: 02 март2022 й

«Farg'onadonmahsulotlari»
АЖ акциядорларига

Фикр.

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти бош аудитори Ботиров М.Х (*Аудитор малака сетрификати №-05052 2017 йил 25 августда Молия Вазирлигидан берилган*) «**Farg'onadonmahsulotlari**» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 01 январдан - 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида "Молиявий ҳолат тўғрисида"ги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил учун тузилган "Умумлашган даромад тўғрисида"ги ҳисоботдан, "Хусусий капитал"даги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан ва "Пул оқимлари тўғрисида"ги ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботи аудитини ўтказдик.

Фикр билдириш учун асос.

Биз аудитни, Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз "Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти" номли бўлимда баён қилинган. Биз аудит қилинаётган ташкилотга нисбатан бухгалтерлар учун аҳлоқ стандартлари бўйича Халқаро Кенгаш томонидан профессионал бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Аҳлоқ кодексига мувофиқ ва «**Farg'onadonmahsulotlari**» акциядорлик жамиятнинг молиявий ҳисоботи аудити бўйича аҳлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар ҳамда Аҳлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик. Биз аудит жараёнида олган аудиторлик далилларини ўз фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

Раҳбариятнинг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги.

Жамият раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек жамият раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи хамда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир.

Бундай рискларни баҳолашда, жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрланиши ва ҳаққоний тақдим этилиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказилишида қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишидаги баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз томондан олинган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Қонунчилик ва тартибга солувчи органларнинг бошқа талаблари бўйича ҳисобот.

Аудиторлик ҳисоботи мазкур қисмининг шакли ва мазмуни аудиторнинг ҳисоботларини тақдим этиш бўйича бошқа вазифалари хусусиятига қараб ўзгаради.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар «**Farg'onadonmahsulotlari**» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
«TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти
бош директори бош аудитори **М.Х Ботиров**

FARG'ONA VILOYATI FARG'ONA SHAHRI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAS'ULLIGI CHEKLANGAN JAMIYAT «TTT-AUDIT» AUDITORLIK TASHKILOTI

Аудитор малака сетрификати №-05052
2017 йил 25 августда Молия Вазирлиги
томонидан берилган